ТАМСИЛ ПУРМАЪНО ФИКРЛАРНИ ИФОДАЛАШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

З.МАМАЖОНОВ

В статье на примере стихотворений Алишера Навои, написанных в жанре китъа, рассмотрена роль художественного приема тамсил в образном выражении жизненных истин.

On the examples of the poems of Alisher Navoiy written in the genre of 'qit'a', the author considers the role of literary style of 'tamsil' in the figurative expression of life reality.

Навоий даҳосининг буюклигини исботлаш йўлида юзлаб китоблар яратилган, минглаб мақолалар ёзилган бўлса керак. Бироқ ҳали ҳеч ким бу таъриф-тавсифларни адоғига етказа олган эмас. Жуда катта ҳаётий тажрибага эга бўлган Навоий ўзидан ҳаётнинг деярли барча жабҳаларидаги кишиларга сабоқ бўларли даражадаги улкан адабий, илмий мерос қолдирди. Сиёсий масалаларда ҳам, ижтимоий масалаларда ҳам ўзимизни қийнаётган деярли ҳар қандай саволга Навоийдан жавоб топишимиз мумкин. Исталган соҳада амалга оширилаётган илмий изланишларда ҳам Навоийдан иқтибослар келтиришимиз мумкин. Бунга Навоий ҳазратларидаги кузатувчанлик, ҳаётга теран нигоҳ билан қараш, мушоҳадага бойлик ва, албатта, жуда катта ҳаётий тажриба орқали эришган дейиш мумкин. Биз ўхшатишга асосланган шеърий санъатларни алоҳида гуруҳлаб, тадқиқ қилишни мақсад қилганмиз. Булар орасида тамсил номи билан юритилувчи бадиият воситаси борки, у айнан Навоий каби катта ҳаётий тажриба эгаси бўлган ижодкорлар берган сайқал туфайли чинакам санъат ҳодисасига айланиши мумкин.

Маълумки, ҳазрат Навоий ижодида инсон умри, феълатвори, жамият ҳаётидаги ўрни ва вазифалари, ўзга инсонлар билан муносабатлари каби қатор муаммоларга бағишланган пурҳикмат асарлар кўплаб топилади. Улуғ мутафаккирнинг бу асарлари асрлар оша яшаб келаётганининг асосий сабаби сифатида энг аввал уларда фикрнинг образли тарзда, гўзал ва таъсирчан ифода этилгани кўрсатилса, хато бўлмайди. Масалан, Навоий қитъаларидан бирида бундай ёзади:

Ҳикмат аҳли шоҳни дарёға ташбиҳ эттилар
Ким, ҳам андин кўп зиёнлар элга, ҳам кўп суд эрур.

Гаҳ топар ғаввос бир соатда юз дурри самин,
Гаҳ наҳанг оғзида юз ҳасрат била нобуд эрур.
[2.505]

Кўриб турганимиздек, шоир аввал қўллаган ташбиҳи ўзигача мавжуд бўлганини, яъни "ҳикмат аҳли шоҳни дарёга ташбиҳ этганларини" қайд этади. Демак, Навоийнинг қитъани ёзишдан мақсади ушбу ташбиҳни такрорлаш эмас, балки уни шарҳлашдан иборат. Шеърнинг қурилиши шу мақсадга мувофиқ: биринчи мисрада зикр қилинган ташбиҳ кейинги мисраларда шарҳлаб берилади. Албатта, агар фақат шундангина келиб чиқсак, шеърнинг ҳам, унда қўлланган ташбиҳнинг ҳам қимматини пасайтирган бўламиз. Ҳолбуки, бу оддийгина шарҳ бўлмай, балки шоир ўз ҳаёти ва фаолияти давомида келган фалсафий хулоса, бадиий умумлашмадир. Шу жиҳатдан қаралса, Навоий қўллаган маънода ушбу ташбеҳ ҳам чин маънода оригинал деб саналиши жоиз. Чунки "шоҳ – дарё" қиёсида ўхшатиш асоси турлича бўлиши мумкин, Навоий эса унга аниқ бир маънони юклайди. Яъни иккинчи байтда "дарё – ғаввос" муносабатини тамсил қилиш орқали "шоҳ – фуқаро" муносабатини ойдинлаштиради. Шу боис унда шоирнинг бир инсон ва давлат арбоби сифатида англаган ҳақиқати ўзининг образли ифодасини топади, қитъа подшоҳ ва фуқаро муносабати ҳақидаги ихчам бир афоризмга айланади.

Яна бир қитъасига Навоий "Шоҳни аждаҳога нисбат қилибтуруркким, ганж умиди ҳам андин бору ранж бийми ҳам" деган сарлавҳача қўяди:

Жаҳон ганжига шоҳ эрур аждаҳо
Ки, ўтлар сочар қаҳри ҳангомида.

Анинг коми бирла тирилмак эрур,
Маош айламак аждаҳо комида. [2.512]

Мазмунан юқорида келтирилган қитъалар бир-бирига яқин. Шунга қарамай, бизнингча, уларда бир муҳим фарқни ҳам кўриш мумкин. Агар биринчи қитъада фикр устувор бўлса, иккинчисида кечинма етакчидир. Яъни биринчи қитъада шоир умуман шоҳ-фуқаро муносабати ҳақида сўз юритса, иккинчисида унинг конкрет ҳолатдаги руҳий кечинмалари тасвирланади. Зеро, шоир умрининг катта қисмини саройда ўтказган ва муайян бир лаҳзада ўзини "аждаҳо комида" ҳис этганки, қитъада айни шу дамдаги ҳол ўз аксини топган. Демак, агар бадиий образнинг "ҳис этилган фикр, англанган ҳис" эканлиги [5.125] ёдга олинса, биринчи қитъада "ҳис этилган фикр" (яъни кўнгилдан ўтказиб берилган фикр), иккинчисида "англанган ҳис" (яъни

тафаккурдан ўтказилган ҳис) ни ифодалаш кўзда тутилгандир.

Булардан фарқли ўлароқ, “Такаллуф аҳлининг дунёга шефталиғидаву дунёликка фирефталиғида” дея сарлавҳа қўйилган қуйидаги қитъасида мушоҳада объектига муносабатни ифодалаш устуворлик қилади:

Тўнни зарбафт айлабон хиффатдин учқан ҳар тараф,
Йўқ ажаб ғар бор эса дунё матои ком анга.

Ул чибинким кўзга олтун янглиғ эшнар хилъати,
Кўпраги, билким, нажосат узрадур ором анга.
[1.549]

Дунёга муҳаббат қўйишни қоралар экан, шоир бундай одамларни нажас устида роҳат топувчи чивинга ўхшатади. Худди биринчи қитъадаги каби бунда ҳам тамсил санъати қўлланган. Иккинчи байтдаги тамсил учун асос бўлган ташбеҳ объектлари (дунё – нажосат, дунёга ошуфта одам – чивин)да шоирнинг фоний дунё ва унга боғланиб қолган одамларга муносабати яққол акс этади.

Кўриб ўтилган қитъалар ўхшатишнинг бадиий тафаккур ва бадиий мулоқотдаги тутган ўрни ва вазифалари ҳақида етарли тасаввур бера олади. Аввало, унинг бадиий тафаккурдаги функциясини олиб қарайлик. Ҳар учала қитъада ҳам ўхшатиш билиш предметининг моҳиятини теран идрок этишга ёрдам бермоқда. Яхши маълумки, дастлабки икки қитъа шўро даврида Навоийнинг тузумга муносабатини ифодалайди дея талқин қилинган. Албатта, нутқда шу нутқ субъекти (бу ўринда шоир)нинг нутқ предметига муносабати акс этиши табиий ва бу жиҳатдан қаралса, юқоридагича талқинларнинг буткул асоссиз саналиши ҳам адолатдан бўлмайди. Айни чоқда, талқиннинг давр мафкурасига мослаштирилганидан кўз юмиш ҳам тўғри эмас. Диққат қилинса, учинчи қитъа билан қиёслаганда, аввалги иккисида бадиий билиш мақсади устуворроқ эканини кўриш қийин эмас. Бу фарқни юзага келтирувчи асосий омил эса, бизнингча, ўхшатиш объектининг табиати билан боғлиқдир. Қитъаларнинг биринчисида шоҳга ўхшатиш объекти қилиб “элга кўп зиён ва кўп фойда келтириши” мумкин бўлган дарё олинган. Дарё эса, фойда ё зиён келтиришидан қатъи назар, ихтиёримиздан ташқаридаги объектив мавжудлик. Уни бор ё йўқ этиш инсон измида эмас: дарёдан зиён етиш эҳтимоли йўқ эмас, лекин усиз ҳам яшаб бўлмайди. Айни ҳол ҳазрат Навоий қитъада шунчаки замона ё тузумдан нолиган эмас, балки ўзини чинакам мутафаккир сифатида намоён этиб, уларнинг моҳиятини образли тарзда ифода этган дейишга имкон беради. Иккинчи қитъада шоҳга ўхшатиш объекти қилиб аждаҳо олингани, бир қарашда, шоирнинг “салбий” муносабати ҳақида сўз юритишга изн берадигандек кўринади. Бироқ бу ҳам, бизнингча, янглиш тасаввурдир. Чунки бу ўринда шунчаки аждаҳо эмас, балки “ганж устидаги аждаҳо” ҳақида гап бормоқда. Аввало, бу ўхшатиш қадим ривоятлардан илдиз олади: қайдаки хазина бор, албатта, унинг қўриқчиси – илон ёки аждаҳо ҳам бўлади. Агар қитъа шундан келиб чиқиб тушунилса, шунчаки “салбий” муносабат ҳақида гапириш жўнлаштириш бўлиб қолиши англашилади. Айтмоқчимизки, қитъа муайян лаҳзада шоир кўнглида кечган ҳиснинг англаниши натижаси ўлароқ яралган, бироқ энди ўша ҳис умумлашма образли фикрга айланган. Шу боис у теран ҳаётий ҳақиқатни ифода этади: дунё ганжидан умидвор инсон “аждаҳо комида” яшашга маҳкум, дунёга этак силкиган кишигина чин маънода озоддир. Ҳазрат Навоий чин озодлик орзуси билан яшади: ҳукумат ташвишларини қўйиб неча бора ҳажга кетишга чоғланди, шайх Абдулла Ансорий мақбарасида жорубкаш бўлишни тилади. Албатта, агар у зот истаса, қаршисида эркин танлов имкони пайдо бўлиши мумкин эди. Яъни у астойдил ҳаракат қилганида, султон Ҳусайн розилигини ҳам олиши мумкин эди. Бироқ унинг ўзи “дунё ганжи”дан – юртининг осойиши ва фаровонлиги йўлида ҳоли қудрат хизмат қилишдан кечолмасди: “аждаҳо комида маош айламак”ни танлади. Аён бўладики, муайян лаҳзада шоир кўнглидан кечган ҳиснинг бадиий идроки унинг ҳаётий принципини ифода этувчи образга дўнадики, бунда ташбиҳ санъати (хусусан, ундаги ўхшатиш объекти) ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Мазкур фикрларимизнинг нечоғли асосли экани иккинчи ва учинчи қитъаларни қиёслаганда янада равшанроқ кўринади. Бир қараганда уларнинг иккисида ҳам гап “дунё”га муносабат ҳақида боради. Бироқ биринчисида “жаҳон ганжи”, иккинчисида эса “дунё матои” ўхшатиш объекти қилиб олинган. Ўхшатиш объектлари мазмунан бир-бирига яқин бўлса-да, улар услубий бўёқдорлиги жиҳатидан фарқлидир: биринчиси улуғвор тушунчага, иккинчиси эса тубан тушунчага мос келади. Яъни шоир ўзи ифодаламоқчи бўлган мазмунга мос ўхшатиш объектларини танлаганки, бу ҳам қитъани юқоридагича мазмунда тушуниш асосли эканини кўрсатади.

Шу чоққача биз мисолга олинган қитъаларга бадиий тафаккур нуқтаи назаридан қараб, ўхшатишнинг бадиий идрокдаги роли ҳақида сўз юритдик. Худди шу қитъаларга бадиий мулоқот нуқтаи назаридан қарасак, ўхшатишнинг ижодкор ва ўқувчи орасидаги мулоқотнинг амалга ошишида қанчалик муҳим эканини кўришимиз мумкин. Аввало, қитъаларнинг бари ўқувчига муайян информацияни – қиёслаш асосида ҳосил қилинган билимни етказмоқда, яъни репрезентатив функция бажармоқда. Муҳими

шундаки, ўхшатиш фикрий амали ўқиш жараёнида ўзга онгда – ўқувчи онгида қайтадан кечади. Шунинг ўзиёқ қитъанинг ижодий ўқилишини, унинг санъат асари сифатида қабул қилинишини таъмин этади. Зеро, ўқувчининг ўхшатиш объектларини бир-бирига қиёслаш орқали мазмунни қайтадан яратиши лозим бўлади. Бадиий мулоқот жараёнида етказилаётган информация қуруқ бўлмай, эмоционал-ҳиссий муносабатга йўғрилгандир. Демак, мулоқот субъектлари орасида фикрий алоқагина эмас, ҳиссий алоқа ҳам ўрнатилади. Ўхшатиш айни шу экспрессив функциянинг каттагина қисмини ўз зиммасига оладики, бунинг кўпроқ ўхшатиш объектлари табиати билан боғлиқ ҳолда юзага чиқиши юқоридаги фикрлардан маълум бўлди. Табиийки, етказилаётган информация ва унга эмоционал-ҳиссий муносабатнинг мавжудлиги ўқувчига муайян ғоявий-эстетик таъсир ўтказади. Чунки ўқувчи ижодкор тажрибаси билан ўртоқлашди, у англаган ҳақиқатга ошно бўлди.

Демак, юқоридаги мисоллар таҳлилидан маълум бўляптики, ўхшатиш бадиий мулоқот жараёнида кўзланувчи информация етказиш (репрезентатив), информацияга ҳиссий муносабатни ифодалаш (экспрессив) ҳамда тингловчи(ўқувчи)га муайян таъсир ўтказиш (аппелятив) мақсадларининг ҳаммасига бирдек хизмат қилмоқда. Бунинг сабаби эса образнинг, образли ифоданинг ўхшатиш асосига қурилаётганидир.

Америкалик олимлар Ж.Лакофф ва М.Жонсонлар назариясига кўра, инсон онгидаги концептуал тизим (яъни билимлар жами) бевосита тажриба орқали эришилган концептлар асосида вужудга келади [6.387-416]. Буни соддароқ ифодаласак, янги билим илгари эгалланган билимлар асосида ҳосил бўлади деганидир. Зеро, ўхшатиш объекти сифатида олинадиган предмет, одатда, етарли даражада англанган (ёки сезгилар ёрдамида ҳис этиладиган) бўлиб, у бадиий билиш предметини англаш учун кўприк бўлиб хизмат қилади. Масалан, Навоийнинг қуйидаги қитъасини олайлик:

Эрур орифга ганжи файз етса
Иши дам урмайин ани ёшурмоқ.

Қуёш акси тушуб дарё ичинда
Не мумкиндир анинг суйин тоширмоқ. [2.512]

Кўриб турганимиздек, Навоий қитъада тамсил санъатини қўлламоқда. Тамсил учун эса табиатдаги ҳамма кўрган ёки кўрмаган бўлса ҳам кўз олдига келтириб тасаввур қила оладиган бир ҳолат олинган: қуёш нурлари дарёга тушмоқда, лекин бу билан дарёда ҳеч бир ўзгариш юз бермаяпти. Қитъада ушбу ҳолат “ганжи файз” етган ориф зоҳиран ўзгаришсиз қолиши лозим деган фикрни тасдиқлаш учун хизмат қилмоқда. Атоуллоҳ Ҳусайний тамсил санъатига Шамси Қайсга асосланиб таъриф беради: “бу ҳам истиора жумласидиндур, аммо бу истиоранинг мисол йўллуғ навъидур, яъни шоир бир фикрга ишора қилмоқни истаганда ўзга бир маънони билдиргучи бир неча лафзни келтирур ва ани мақсаддаги фикрнинг мисолиға айлантирур ва ўз фикрин ўшул мисол била ифода қилур” [4.220]. Тамсилни истиора жумласидан деб саналишига асос шуки, унда ҳам ўхшатиш ошкора эмас. Ё.Исҳоқовга кўра тамсилнинг икки кўриниши бор: биринчисида ташбиҳий муносабатга “ишора қилувчи сўзлар” (“чунки, не тонг, не ажаб, негаким (қисқарган формаси –ким, ки) нединким ва ҳ.”) бўлса, иккинчисида интонация йўли билан боғланиш кузатилади. Шу билан бирга олим: “Тамсил санъатининг ҳақиқий намунаси ҳеч қандай воситасиз тамсилий боғланишга дахлдор мисра ёки байтларни ёнма-ён (Шайхзода термини билан айтганда, ёндаш) қўйиш орқали юзага келади. Европа адабиётшунослигида бу психологик параллелизм дейилади” [7.76], - деб таъкидлайди. Бизнингча, тамсилнинг юқоридагича икки кўриниши мавжуд деб ҳисобласак, бу масалада ҳам чалкашликлар келиб чиқади. Чунки, биринчидан, “ишора қилувчи сўз” бўлган ҳолларнинг аксариятида тамсил эмас, бошқа санъат юзага чиқади. Иккинчи томондан, Ё.Исҳоков “ишора қилувчи сўз” сифатида келтирган воситалар доим ҳам ўхшатиш воситаси бўлмай, баъзан байтларни ўзаро боғлаш, модал муносабатни ифодалаш учун ҳам қўлланади. Шунинг учун Ё.Исҳоқов “ҳақиқий тамсил” деб атаётган иккинчи турнигина тамсил санаш тўғри бўлади. Яъни ташбеҳий муносабатнинг ҳеч қандай воситасиз юзага чиқишини тамсил санъатининг белгиловчи хусусияти деб олинса, бу санъатга аниқ назарий тавсиф бериш мумкин бўлади. Фақат бунда ҳар бир конкрет ҳолдаги боғловчи воситаларнинг табиати эътиборга олиниши лозим.

Юқорида мисолга олинган қитъада биринчи байт билан иккинчиси орасида зоҳирий боғланиш йўқ. Бироқ мушоҳада қилинаётган ҳолат унсурлари билан тамсил учун олинган ҳолат унсурлари ботиний ўхшатишни юзага келтиради: “Ҳақ – қуёш”, “ориф – дарё”, “ганжи файз – қуёш нури”. Шу ўхшатишлар силсиласи туфайли ўқувчи кўз олдида чинакам ориф инсонга хос хусусият конкрет намоён бўлади. Яъни бу ўринда мавҳум тушунчанинг моҳияти конкрет ҳолат орқали очиб берилади. Донишманд шоир инсон билиши мумкин бўлган нарсалар атиги қуёшдан нур қадаригина дея таърифлар экан, инсон билгани сари билмаганларининг кўлами кенгайиб боради деган ҳақиқатни образли тарзда уқдиради. Бироқ айтишда ҳам айтиш, уқдиришда ҳам уқдириш бор. Дейлик, бу ҳақиқатни шунчаки информация сифатида, насиҳат тарзида ҳам етказиш мумкин. Лекин бу ҳолда унинг тингловчига таъсири ҳам, ундан олинажак самара ҳам кутилганидек бўла олмайди. Аксин-

ча, топиб қўлланган тамсил ўқувчи ёдида муҳрланади ва унга ҳамиша шу ҳақиқатни эслатиб, уни чалғиб кетишдан, кибрга берилишдан сақлайди.

Юқоридаги қитъада қўлланган тамсил функционал жиҳатдан Атоуллоҳ Ҳусайний таърифига мос: унда "ўзга маънони билдиргучи бир неча лафз... мақсаддаги фикрнинг мисолига айланади", шу мисол ёрдамида айтилмоқчи фикр ёрқин ифодаланади. Айтиш керакки, манбаларда тамсилнинг бадиий функциялари борасидаги қарашларда ҳам турличалик кузатилади. Жумладан, Ё.Исҳоқов тамсилни далиллаш санъати деб ҳисоблайди ва уни "Фикр, мақсаднинг исботи, тасдиғи учун ҳаётий далиллар келтириш" [7.74] дея таърифлайди. А.Ҳожиаҳмедов тамсил ҳақидаги фикрларини байт нуқтаи назаридан келиб чиқиб баён қилади: "Тамсил асосан биринчи мисрадаги ифодани ўхшатиш ёки далиллаш мақсадини кўзлайди" [8.24]. Кўриб турганимиздек, иккала олим ҳам диққат марказига тамсилнинг далиллаш функциясини қўяди. Бизнингча, агар юқоридаги мисоллардан келиб чиқсак, тамсил функциясини далиллаш билангина чеклаб қўйиш унинг функционал рангбаранглигини туссизлантириб қўяди. Шунинг учун, фикримизча, тамсилнинг полифункционал табиатини қайд этган ҳолда, унинг тўртта асосий функциясини таъкидлаб кўрсатиш мумкин. Булар қуйидагилардир: 1) нарса-ҳодиса моҳиятини бошқа нарса-ҳодиса орқали очиш; 2) лирик мушоҳада предметига ғоявий-ҳиссий муносабатни ифодалаш; 3) келтирилган фикрга изоҳ-иллюстрация вазифасини ўташ; 4) фикрни далиллаш.

Тамсилнинг дастлабки учта функциясини юқорида кўриб ўтдик, шу боис далиллаш функциясига тўхталамиз. Навоийнинг қуйидаги қитъасини олайлик:

Розни асра, чунки фош эттинг,
Яна пинҳон бўлурин қилма ҳавас

Кўнглунг ичра нафас кебидур роз,
Қайтмас, кимсадин чу чиқти нафас. [3.493]

Қитъанинг биринчи байтида тугал фикр баён қилинди: розни айтма, модомики айтдинг, унинг пинҳон бўлишини орзулама. Иккинчи байт яхлит ҳолда биринчи байтда айтилган фикрни далиллашга хизмат қилади. Яхлит ҳолда дейишимизга сабаб шуки, бу байт таркибида розни нафасга ўхшатиш бор. Шунда ҳам қитъада тамсил санъати етакчилигини таъкидлаш мумкин, чунки "фош қилинган роз" билан "чиққан нафас"ни ўхшатишга ишора қилувчи восита мавжуд эмас. Шунга ўхшаш ҳолни Навоийнинг қуйидаги машҳур қитъасида ҳам кузатиш мумкин:

Нокасу ножинс авлодин киши бўлсин дебон,
Чекма меҳнатким, латиф ўлмас касофат олами.
Ким, кучук бирла хўтукка неча қилсанг тарбият,
Ит бўлур, доғи эшак, бўлмаслар асло одами.
[2.521]

Қитъанинг биринчи байтида шоир тарбияда насл ҳал қилувчи аҳамиятга эга, шунинг учун "нокасу ножинс"лар авлодини одам қиламан деб уриниш бефойда, деган асосий фикрини айтади, сўнг уни асослаш учун кучук билан хўтикни қанча тарбиялаганг ҳам, одам бўлиб қолмайди, кучук охир оқибат ит бўлади, хўтик эса эшак бўлади, тарзидаги ҳаётий мисолни келтиради. Тўғри, қитъанинг байтлари "ким" боғловчиси билан ўзаро боғланмоқда, лекин бу ўринда у ўхшатиш воситаси эмас. Демак, шоир ўз фикрини далиллаш учун ҳаётий мисол келтирмоқда, яъни тамсил санъатини қўлламоқда.

Умуман, инсоният тарихида ўзига хос из қолдира олган қомусий аллома ҳазрат Навоийнинг ҳаёт йўли, тўплаган ҳаётий тажрибалари унинг асарларида ҳам ўзининг бадиий аксини топган. Айниқса, қитъа жанридаги ижодида бу нарса яққолроқ кўзга ташланган. Тамсил айнан катта ҳаётий тажрибага эга бўлган ва шу тажрибасини ўзининг бадиий мушоҳада объектлари билан муқояса қила олган Навоий каби даҳоларнинг ижод намуналарида гўзал санъат ҳодисасига айланади, кўзланган ғоявий-эстетик самарани беради.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 3-том. – Т., 1988.
2. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 4-том. – Т., 1989.
3. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 5-том. – Т., 1990.
4. Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус санойиъ: Форс тилидан. А.Рустамов таржимаси.- Т.: Адабиёт ва санъат, 1981.
5. Борев Ю. Эстетика.- М.,1987.- С.
6. Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живём // Теория метафоры.- М.,1990.- С.387-416
7. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги.- Т.: Зарқалам, 2006
8. Ҳожиаҳмедов А. Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия.- Т.: Шарқ,1998

Андижон давлат университети
2012 йил 4 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)